

- Mehnat huquqlari to'g'risida huquqiy himoya va xabardorlikni kuchaytirish va nogironlik asosida kamsitishni ta'qiqlash.

- Nogironlarni ish bilan ta'minlash kvotalariga rioya etilishini nazorat qilish va ta'minlash.

- Ish beruvchilarni davlat imtiyozlari to'g'risida xabardorligini oshirish orqali ish joylarida qulaylik va inklyuzivlikni ta'minlashga undash.

Bu o'z navbatida jamiyatimiz teng huquqli a'zolari hisoblanmish nogironligi mavjud shaxslarning munosib ish o'rinlarini topishi va bandligi ta'minlanishi orqali turmush farovonligini oshirilishiga xizmat qiladi.

Adabiyotlar ro'yxati:

1. MOT, 2020 z. «Цена исключения: экономические последствия исключения людей с инвалидностью из мира труда», https://www.ilo.org/skills/pubs/WCMS_149529/lang-en/index.htm.

2. [https://uzbekistan.un.org/sites/default/files/2020-06/Brief report UN ru UNColor%20RUS 0.pdf](https://uzbekistan.un.org/sites/default/files/2020-06/Brief%20report%20UN%20ru%20UNCOLOR%20RUS%200.pdf)

3. [https://uzbekistan.un.org/sites/default/files/2020-06/Brief report UN ru UNColor%20RUS 0.pdf](https://uzbekistan.un.org/sites/default/files/2020-06/Brief%20report%20UN%20ru%20UNCOLOR%20RUS%200.pdf)

4. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 28.03.2023 yildagi PF-45-son "Ish haqi, pensiyalar va nafaqalar miqdorini oshirish to'g'risida"gi Farmoniga muvofiq, bazaviy hisoblash miqdori 330 ming so'mni tashkil qiladi.

5. O'zbekiston Respublikasi Ma'muriy javobgarlik kodeksi, <https://lex.uz/docs/97664>

6. O'zbekiston Respublikasi Kambag'allikni qisqartirish va bandlik vazirligi ma'lumotlari.

7. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 31.08.2022 yildagi 486-son "Nogironligi bo'lgan shaxslarning mehnat faoliyatini amalga oshirishi uchun qulay shart-sharoitlar yaratish chora-tadbirlari to'g'risida"gi Qarori, <https://lex.uz/docs/6179643>

8. Ushbu raqamga nogironligi mavjud shaxslar uchun ixtisoslashtirilgan kasb-hunar kollejlari va "Ishga marhamat" monomarkazlari ham kiradi.

АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШДА ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРИ ҲОЛАТИНИНГ ТАЪЛИЛИ

Абдуллаева Ситора

Ш.Рашидов номидаги СамДУ 1-босқич магистри

Бугунги кунда республикада олий таълим тизимини ривожлантириш, олий таълим муассасалари илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш, фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини кучайтириш, илмий-тадқиқот фаолияти самарадорлигига эришиш, таълим сифатини оширишнинг муҳим омили ҳисобланган олий таълим муассасалари ресурс салоҳиятини ривожлантириш ва рақобатбардошлигини оширишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида «... аввало таълим ва тарбияни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, илм-фан ва инновацияларни тараққий эттириш миллий ғоямизнинг асосий устунлари бўлиб хизмат қилиши лозим» деб[2] таъкидлаганлар.

Бу вазифаларни ҳал этишда таълим хизматлари бозорида олий таълим муассасалари рақобатбардошлигини ошириш омилларини аниқлаш, олий ўқув юртлари рақобатбардошлигини баҳолаш услубиятини такомиллаштириш, таълим, фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги интеграцияни мустаҳкамлаш ва таълим хизматлари сифатини оширишнинг илмий-услубий ва амалий жиҳатларини тадқиқ этиш долзарб ҳисобланади.

Мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг асосий шарти таълимнинг миқдор ва сифат жиҳатидан ўсиши ҳисобланади. Лекин у ҳар доим ҳам меҳнат бозорини динамик ривожланишининг замонавий талабларига тўлиқ жавоб бермайди. Чунки таълимнинг ривожланиш суръатларига турли-туман омиллар кучли таъсир кўрсатади. Уларнинг айримлари салбий ва бошқаси ижобий таъсир кўрсатади.

Таълим хизматлари бозорига таъсир кўрсатувчи ижобий омилларга қуйидагиларни киритишни лозим деб топдик:

- таълимни ривожлантиришга йўналтирилган давлатнинг макроиқтисодий сиёсати;
- аҳоли, ота-оналар ва ёшларнинг таълимга нисбатан муносабати;
- таълим муассасалари сонининг ва ўқитаётган ўқитувчилар компетентлигининг ошиб бориши;
- ўқув муассасалари мустақиллигининг кенгайиши;
- профессор-ўқитувчилар меҳнатини рағбатлантириш тизимининг самарадорлиги;
- ўқув жараёнларига хорижлик мутахасисларнинг жалб этилаётгани;
- хориж давлатларга турли муддатларда стажировка (амалиёт) ўташ учун юборилаётганлиги;
- ОТМларнинг ташкилий-иқтисодий жиҳатдан мустақиллиги;
- таълим хизматларини олиш ва истеъмол қилишда таълим олаётганларга ўзларини эркин тутиш шарт-шароитларининг тақдим этилиши;
- нодавлат ўқув юртларининг ривожланиши ва таълим хизматлари соҳасида рақобат муҳитининг яратилиши;
- компьютер ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этилиши;
- инновацион таълим технологияларини жорий этилиши;
- кадрлар тайёрлашнинг кўп бўғинли тизимининг жорий этилиши.

Юқорида келтирилган омилларнинг айримларини батафсил кўриб чиқиш лозим. Қонунчилик тизимининг такомиллаштирилиши таълим тизимини бошқариш ва олий ўқув юртларини иқтисодий ривожланиш қоидаларига жиддий тузатишлар киритишни шарт қилиб қўйди. Натижада ОТМлар ҳам ўқув-педагогик жараённи бир қисмига эга бўлиш, ҳам иқтисодий фаолиятнинг бир қисми бўйича аҳамиятли даражада мустақилликка эга бўлдилар. Уларга мавжуд стандартлар асосида ўқув режалари ва таълим дастурлари, ўтилаётган курслар ва фанларнинг ишчи

дастурларини мустақил ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш ҳуқуқи берилди. Улар мутахассисларга бозор талаблари асосида ўзгартиришлар киритишга оператив таъсир кўрсатиш имкониятига эга бўлдилар.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида ҳудудлар бўйича олий таълим муассасалари сони (ўқув йили бошига, бирлик)[3]

Ҳудудлар (вилоятлар) номи	Йиллар						2020-2021 ўқув йили 2015-2016 ўқув йилга нисбатан ўсиш, %
	2017/ 2018	2018/ 2019	2019/ 2020	2020/ 2021	2021/ 2022	2022/ 2023	
Қорақалпоғистон Республикаси	2	2	2	6	9	9	4,5 марта
<i>вилоятлар:</i>							
Андижон	4	4	4	4	5	6	150,0
Бухоро	3	3	4	5	5	5	166,7
Жиззах	2	2	2	2	3	3	150,0
Қашқадарё	2	2	2	3	6	6	3,0 марта
Навоий	2	2	2	2	2	2	100,0
Наманган	3	3	3	3	3	3	100,0
Самарқанд	6	6	6	8	11	12	2,0 марта
Сурхондарё	1	1	1	7	7	7	7,0 марта
Сирдарё	1	1	1	1	2	2	2,0 марта
Тошкент	1	1	2	5	5	8	8,0 марта
Фарғона	3	3	3	7	10	10	3,3 марта
Хоразм	1	1	1	3	3	3	3,0 марта
Тошкент ш.	38	39	39	42	48	51	134,2
Республика бўйича	69	70	72	98	119	127	184,1

Ҳозирги кунда ҳар бир мамлакат ижтимоий ривожланиш тамойиллари замонавий касбий билимга эга бўлиш шарт-шароитларини яратишнинг янги босқичига ўтишни заруратга айлантди. Шу сабабли, кейинги йилларда республикамизда ҳам ОТМлар сони доимий ўсиш тенденциясига эга бўлиб, уларнинг сони 2022/2023 ўқув йилида 2017/2018 ўқув йилига нисбатан деярли 84,1 %га ошди. Ҳудудлар кесимида ҳам ОТМлар сони Навоий ва Наманган вилоятларидан ташқари барча вилоятларда ўсиш тенденциясига эга. Хусусан, энг кўп ОТМлар сони Тошкент шаҳри (51 та) ва Самарқанд (12 та), Фарғона (10 та), Сурхондарё (7 та), Қашқадарё (6 та), Тошкент (8 та), Андижон (6 та), Бухоро (5 та) вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси (9 та) ҳиссасига тўғри келади (1-жадвал).

Олий таълим муассасалари сонининг бундай суръатлар билан ўсиши Ўзбекистонда кўпчилик субъектларнинг олий маълумотли мутахассисларга бўлган эҳтиёжларини қондиришда, иқтисодиётда банд бўлганлар таркибида олий маълумотли мутахассислар улушини

кўпайтиришда муҳим босқич бўлади, деб ўйлаймиз. Бугунги ОТМлардаги мутахассислар тайёрлаш энг аввало меҳнат бозорининг ўсиб бораётган талаби, унда содир бўлаётган ўзгаришларга қараб амалга оширилмоқда.

Шунга мос тарзда Республикада фаолият юритаётган университетлар сони 2018-2022 йиллар мобайнида 26 тадан 58 тага кўпайди, улардаги талабалар сони 91,7 %га ошган, қабул қилинган талабалар сони эса 2,6 мартага ошди. Шунингдек, битирган мутахассислар сони 2022 йил 2018 йилга нисбатан 108,0 %ни ташкил этди (2-жадвал).

2-жадвал

Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган университетлар сони[3]

№	Кўрсаткичлар	Йиллар					2022 йил 2018 йилга нисбатан ўсиш, %
		2018	2019	2020	2021	2022	
1.	Университетлар сони, бирликда	26	27	27	45	58	2,2 марта
2.	Улардаги талабалар сони, минг киши	127,3	126,3	140,2	192,3	244,0	191,7
3.	Қабул қилинган талабалар сони, минг киши	30,7	29,2	42,5	66,5	78,5	2,6 марта
4.	Битирган мутахассислар сони, минг киши	33,6	32,5	33,7	34,7	36,3	108,0

Жадвал маълумотлари Республикада 2017-2018 ҳамда 2022-2023 ўқув йиллари давомида олий таълим муассасаларини битирган мутахассислар сони ҳудудлар кесимида нотекис кўпайиш тенденциясига эга эканлигини кўрсатмоқда. Энг юқори ўсиш Тошкент вилоятида (2,2 марта), Сирдарё (194,1%), Қашқадарё (173,3 %), Сурхандарё ва Хоразм (160,0 %), Жиззах (156,0%) Наманган (151,9%), Андижон (124,3%), ва Самарқанд (122,0%) вилоятлари ҳиссасига тўғри келади. Шу давр мобайнида Тошкент шаҳрида олий таълим муассасаларини битирган мутахассислар сони нисбатан камайиш (99,3%) тенденциясига эга бўлган (3-жадвал). Битирувчилар сони бўйича ҳудудлар кесимидаги ушбу нотекислик алоҳида вилоятлар ҳудудида фаолият олиб бораётган хўжалик субъектлари фаолиятига ижобий таъсир кўрсатиши, уларнинг юқори малакали кадрлар билан таъминланганлик даражасида кескин тафовутларни юзага келтириши мумкин.

Ўзбекистонда таълим хизматлари бозорининг ҳолати ва унинг 2017-2022 йиллар давомида ўзгариш тенденцияларини ўрганиш бўйича амалга оширилган таҳлилнинг якуний хулосаси сифатида шуни таъкидламоқчимизки, мамлакатда амалга оширилаётган кенг қўламли иқтисодий ислохотлар доирасида таълим хизматлари бозорида жиддий, эътиборга лойиқ ижобий ўзгаришлар содир бўлди.

Ўзбекистон Республикасида ҳудудлар бўйича олий таълим муассасаларини битирган мутахассислар сони, минг киши [3]

Худудлар (вилоятлар) номи	Йиллар						2020-2021 ўқув йили 2015-2016 ўқув йилга нисбатан ўсиш, %
	2017/ 2018	2018/ 2019	2019/ 2020	2020/ 2021	2021/ 2022	2022/ 2023	
Қорақалпоғистон Республикаси	3,9	3,9	4,3	4,5	4,3	5,5	141,0
<i>вилоятлар:</i>							
Андижон	3,7	4,0	4,2	4,8	4,3	4,6	124,3
Бухоро	3,4	3,4	3,4	3,5	3,8	4,8	141,2
Жиззах	2,5	2,3	2,7	2,9	2,9	3,9	156,0
Қашқадарё	3,0	3,1	3,6	3,8	3,9	5,2	173,3
Навоий	2,2	2,1	2,2	2,3	2,4	3,1	140,9
Наманган	2,7	2,7	2,9	3,0	3,2	4,1	151,9
Самарқанд	5,9	6,0	6,4	6,9	6,8	7,2	122,0
Сирдарё	1,7	1,7	1,9	1,0	1,0	3,3	194,1
Сурхондарё	1,0	1,0	1,0	2,0	2,1	1,6	160,0
Тошкент	1,8	1,8	1,7	2,7	2,8	4,0	2,2 марта
Фарғона	4,8	4,6	4,8	4,6	4,8	5,8	120,8
Хоразм	2,0	2,0	2,2	2,2	2,4	3,2	160,0
Тошкент ш.	27,7	25,5	26,1	26,1	26,1	27,5	99,3
Республика бўйича	66,3	64,1	67,4	70,3	70,8	83,9	126,5

Бу ўзгаришлар олий таълим муассасалари сонининг тез суръатлар билан кўпаяди, таҳсил олаётган, ўқишга қабул қилинган ва битирган талабалар сонининг динамикасида, ахборот-технология коммуникацияларнинг ривожланишида, олий таълим муассасаларида фаолият юритаётган илмий унвонга эга бўлган кўрсаткичлар сонининг кескин кўпайишида ўзининг аксини топди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Вахабов А.В., Рахмонов Н.Р. Олий таълим сифатини оширишнинг хориж тажрибасидан ўзбекистон олий таълим тизимини ислоҳ этишда фойдаланиш имкониятлари “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий журнали. № 4, август, 2020 йил.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 30.12.2021. <https://review.uz/oz/post/poslanie-prezidenta-uzbekistana-shavkata-mirziyoyeva-oliy-majlisu>

3. Ўзбекистон Республикаси Президент ҳузуридаги статистика агентлиги